

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ШАУМАРОВ АЗИЗХОН ЗАВҚИЕВИЧ**

**БУРУН БЎШЛИҒИНИНГ ҚЎШМА КАСАЛЛИКЛАРИ ХИРУРГИК  
АМАЛИЁТИДА ГЕМОСТАТИК ВОСИТАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Шаумаров Азизхон Завкиевич**

Бурун бушлигининг кушма касалликлари хирургик амалиётида  
гемостатик воситаларни куллаш ..... 3

**Шаумаров Азизхон Завкиевич**

Хирургические вмешательства при сочетанных заболеваниях полости  
носа с использованием гемостатических средств  
..... 19

**Shaumarov Azizkhon Zavkievich**

Surgical interventions for concomitant diseases of the nasal cavity using  
hemostatic agents ..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ШАУМАРОВ АЗИЗХОН ЗАВКИЕВИЧ**

**БУРУН БЎШЛИҒИНИНГ ҚЎШМА КАСАЛЛИКЛАРИ ХИРУРГИК  
АМАЛИЁТИДА ГЕМОСТАТИК ВОСИТАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib850 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tsdi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net.uz) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Шайхова Халида Эркиновна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Меркулова Елена Павловна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор (Беларус Республикаси)
	<b>Шамсиев Джахангир Фазлитдинович</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент (Ўзбекистон Республикаси)
<b>Етақчи ташкилот:</b>	<b>А.Алиев номидаги Озарбайжон Давлат врачлар малакасини ошириш институти</b> (Озарбайжон, Боку)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-73; e-mail: info@tsdi.uz).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-73.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Н.К.Хайдаров**

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

**Л.Э.Хасанова**

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.А.Абдуқаюмов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг маълумотига кўра, «...сўнгги ўн йилликда ҳам бирламчи бўгин муассасаларига мурожаатлар, ҳам стационар шароитда даволанган беморлар гуруҳларини таҳлил қилиш асосида бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари касалликлари лор-аъзоларининг умумий касалланиш тузилмасида мустаҳкам биринчи ўринни эгаллади...»<sup>1</sup>. Қатор муаллифларнинг келтирган маълумотлардан кўриниб турибдики «...эндонал-эндоскопик жарроҳлик усуллари татбиқ этилиши билан бурун бўшлиғида амалга ошириладиган оператив амалиётлар сони сезиларли ошди...»<sup>2</sup> ташкил этади. Ҳозирги вақтда бурун бўшлиғини эндоскопик текшириш маълумотлари, бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари КТ, ўтказилган функционал текширувлар таҳлили асосида патологик жараённи бартараф этиш, бурун ва бўшлиқларнинг шиллиқ пардаси, анатомик суяк тузилмаларини максимал равишда сақлаб қолиш, уларнинг конфигурациясини тўғирлаш, йўқолган функцияларни тиклашга йўналтирилган даволаш режаси белгиланмоқда. Кейинги йилларда ўтказилган ишларда функционал эндонал эҳтиётловчи операциялар бўйича катта маълумотлар тўпланган. Гарчанд бурундан нафас олишнинг бузилиши ва бурун бўшлиғи, БЁБ ва атрофдаги тўқималарда патологик жараённинг ривожланишига олиб келувчи бошқа функционал ўзгаришлар бир неча сабаблар туфайли юзага келиши мумкин бўлсада, жарроҳлик амалиёти вақтида йўқолган функцияларни тиклаш ва патологик жараённи тугатиш мақсадида бурун бўшлиғи тузилмаларида бир вақтнинг ўзида оператив амалиётлар комплексини амалга ошириш зарурати юзага келади. Замонавий консерватив терапия ютуқларига қарамай, бурун бўшлиғи, БЁБ ҳамда атрофдаги аъзо ва тўқималарда амалга ошириладиган кўшма (симультан) оператив амалиётлар сони камаяётгани йўқ. Ринологияда симультан оператив амалиётлар муаммосига маҳаллий муаллифларнинг унча кўп бўлмаган ишлари бағишланган.

Замонавий тиббиёт ютуқлари кўшма хирургик амалиётлар кўламини кенгайтириш имконини беради. Адабиётларда бурун тўсиғи, бурун бўшлиғининг латерал девори тузилмалари деформациялари, бурун ёндош бўшлиқлари табиий тешиги соҳасидаги патологик жараёнлар; перфоратив одонтоген юқори жағ синуситлари; орбитанинг шикастланиши билан қўшилувчи бурун ёндош бўшлиқларининг бармоқсимон чўзилишларида кўшма операцияларнинг типик вариантларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ҳанузгача ёритилмаган.

Гарчанд кўшма оператив амалиётларда у ёки бу даражада бурун бўшлиғининг турли соҳаларида шиллиқ парданинг шикастланишлари юзага келар экан, операциядан кейинги травматик қон кетишини олдини олиш ва

<sup>1</sup>ЖССТнинг ташкилотининг йиллик ҳисоботлари

<sup>2</sup>Kim S. D. et al. Effectiveness of hemostatic gelatin sponge as a packing material after septoplasty: A prospective, randomized, multicenter study //Auris Nasus Larynx. – 2018. – Т. 45. – №. 2. – С. 286-290.

даволаш муаммоси ўта муҳим аҳамият касб этади. Шошилинич ЛОР-ёрдамга мухтожлар орасида бурундан қон кетиши билан беморлар сони 14,7-0,5%ни ташкил этади. Эпистаксис, сезиларли даражада қон йўқотилишига олиб келиб, бемор ҳаётига хавф солиши мумкин. Қуйидагилар бурундан қон кетишининг сабаблари ҳисобланади: травмалар, бурун тузилмаларидаги жарроҳлик амалиётлари, бурун бўшлиғи шиллиқ пардаси атрофияси, артериал гипертензия, қон касалликлари, шунинг учун сифатли гемостаз – бугунги кунда ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, эшитиш тизими касалликларни тарқалиши олдини олиш ва асоратларини камайтириш «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар бурун бўшлиғи қўшма касалликларининг замонавий ташхислаш ва даволаш самарадорлигини баҳолашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим сабабларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилинич тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Карорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Замонавий тиббиёт ютуқлари қўшма хирургик амалиётлар кўламини кенгайтириш имконини беради. Адабиётларда бурун тўсиғи, бурун бўшлиғининг латерал девори тузилмалари деформациялари, бурун ёндош бўшлиқлари табиий тешиги соҳасидаги патологик жараёнлар; перфоратив одонтоген юқори жағ синуситлари;

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

орбитанинг шикастланиши билан кўшилувчи бурун ёндош бўшлиқларининг бармоқсимон чўзилишларида кўшма операцияларнинг типик вариантларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ҳанузгача ёритилмаган (Kim, Sung-Dong). Шошилинич ЛОР-ёрдамга мухтожлар орасида бурундан қон кетиши билан беморлар сони 14,7-0,5%ни ташкил этади (Erkul E., Babayigit M.). Эпистаксис, сезиларли даражада қон йўқотилишига олиб келиб, бемор ҳаётига хавф солиши мумкин. Қуйидагилар бурундан қон кетишининг сабаблари ҳисобланади: травмалар, бурун тузилмаларидаги жарроҳлик амалиётлари, бурун бўшлиғи шиллиқ пардаси атрофияси, артериал гипертензия, қон касалликлари, шунинг учун сифатли гемостаз – бугунги кунда ҳам долзарб масала ҳисобланади (Yadav, Kanak).

Янги тиббиёт технологияларини яратилиши шифокорларга юқори нафас йўллари соҳасида симультан жарроҳлик амалиётларини амалга ошириш имконини беради. ЛОР-аъзоларида кўшма оператив амалиётлар тез-тез амалга оширилади, бироқ оториноларингология амалиётида мазкур муаммо яхши ўрганилмаган ва етарли даражада ёритилмаганлигича қолмоқда. Сўнги йилларда ринологияда айнан симультан операцияларга бағишланган ишлари унча кўп эмас (А.И.Бежин, А.Н.Майстренко). Таъкидлаш жоизки, замонавий тиббиёт имкониятларига қарамай, бурун, буруничи тузилмалари ва бурун ёндош бўшлиқлари касалликларида симультан оператив амалиётлар сони камаяётгани йўқ (А.С.Коношков, К.В.Летягин). Тиббиётнинг замонавий ютуқлари симультан оператив амалиётлар кўламини кенгайтириш имконини беради. Симультан (кўшма, бир вақтнинг ўзида) операциялар бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари (БЕБ)даги бир неча патологик ҳолатларни бир вақтнинг ўзида бирданига баратарф этиш имконини беради.

Ўзбекистонда симультан оператив амалиётлар кўп афзалликларга эга. Бир вақтда амалга ошириладиган жарроҳлик амалиётлари беморларни такрор шифохонага ётказиш, анестезиологик хавф ва у билан боғлиқ психоэмоционал травмалардан халос этади, беморларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик ҳолати анча қисқаради, беморлар учун жарроҳлик амалиётидан кейинги даврнинг нохуш омиллари бартараф этилади, даволаш учун сарфланадиган умумий иқтисодий ҳаражатлар камаяди (У.С.Хасанов). Бундан ташқари, хирургик даволашни бир неча босқичда амалга оширилиши ҳамма вақт ҳам мумкин эмас ва бу қатор объектив ижтимоий-иқтисодий сабаблар, беморнинг қайта жарроҳлик амалиётига рози бўлмаслиги ёки келмаслиги, зарур жиҳозларнинг етишмаслиги ва бошқалар билан боғлиқ бўлиши мумкин (Н.Х.Воҳидов). Буруннинг эстетик, нафас олиш функциясини тиклаш ва бурун ёндош бўшлиқларининг санациясига йўналтирилган бир босқичли жарроҳлик амалиёти асоратларни келтириб чиқармайди ва 89,9% ҳолатда хирургик коррекциянинг ишончли узоқ муддатли ижобий натижасига эришиш имконини беради.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда дунё бўйича бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари ёндош касалликларида кўшма жарроҳлик амалиётларида гемостатик воситаларни қўллаш бўйича умумқабул қилинган мезонлари

мавжуд эмас, бундай беморларни олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилмаган, у ёки бу давони олиб бориш бўйича тавсиялар асосланмаган. Шу сабабдан бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари касалликларини қўшма жарроҳлик амалиётларида самарадорлиги юқори бўлган ва ножўя таъсирга эга бўлмаган гемостатик воситаларни қўллаш муаммоси долзарб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Асосий оториноларингологик касалликларнинг ташхислаш, даволаш ва оқилона олдини олиш усуллариининг янги йўллариини излаш» (2014-2018 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** “Гемогубка”дан фойдаланган ҳолда эндоназал қўшма жарроҳлик амалиётлари самарадорлигини ошириш ва амалиётдан кейинги даврда асоратларни олдини олишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бурун тўсиғи деформацияларининг турли шакллари ва бурун бўшлиғи қўшма эндоназал патологияларида буруннинг клиник-функционал ҳолатига баҳо бериш;

тадқиқотда қўлланилган гемостатик воситанинг гемостазнинг кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш;

бурун бўшлиғининг шиллик қаватида коллаген гемогубкани қўллаш самарадорлигини қиёсий клиник-цитологик баҳолаш;

гемостатик воситаларни қўллаш билан қўшма эндоназал жарроҳлик амалиётларида операциядан кейинги даврда асоратларни олдини олиш усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасида даволанган 120 нафар беморлар олинган бўлиб, улардан асосий гуруҳни 60 нафар беморларда қўшма жарроҳлик амалиётларда “Гемогубка” гемостатик восита, назорат гуруҳига 60 нафар беморлар олинган бўлиб, уларда докали тампон билан қўшма жарроҳлик амалиётлари олиб борилган.

**Тадқиқотнинг предмети** бурун бўшлиғи қўшма касалликлари билан хасталанган беморлар, гемостатик восита, шунингдек, қоннинг умумий таҳлили ва биокимёвий текширув учун периферик веноз қон, рентгенологик, эндоскопик текширув материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, эндоскопик, рентгенологик, инструментал, биокимёвий ҳамда статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор бурун тўсиғи қийшайишининг турига хос атроф анатомик тузилмаларида ўзгаришларнинг ривожланиши, бурун бўшлиғида функционал ҳолатининг ўзгаришлари бурун тўсиғининг 3-4 ва аралаш турлари билан атроф тўқималарнинг қўшма патологик ҳолатларида; мукоцилиар транспорт

– 29,1 дақ, рН-7,36, сўриш фаолияти - 78,2, ажратиш фаолияти - 49,3 млгр, риноманометрия – уҳо – 295, уқ – 0,61 кўрсаткичлари аниқланган;

бурун бўшлиғининг қўшма касалликлари мавжуд беморларда фойдаланган коллаген “Гемогубка”ни қўллашнинг лаборатор тахлиллар асосида периферик қон реологиясини ўзгартирмаслиги исботланган;

илк бор бурун бўшлиғининг шиллиқ қаватида гемостатик воситанинг қўллаш самарадорлигини қиёсий клиник-цитологик ва морфлогик тавсифлари аниқланган;

бурун бўшлиғидаги қўшма жарроҳлик амалиётларида бурун бўшлиғининг докали тампонадаси ўрнига гемостатик воситадан фойдаланиш, беморларда операция вақтидаги ва операциядан кейинги асоратлар ҳажми, шиллиқ парданинг кучли трофик ўзгаришлари ва оғриқларни камайиши ҳисобига даволаш натижаларини яхшилаш имконини бериши исботланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

интраоперацион ва жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда коллаген гемогубкани қўллаш усули ишлаб чиқилган бўлиб, у бурун тўсиғидаги қўшма оператив амалиётлардан сўнг бурун шиллиқ пардасидаги яллиғланиш жараёнининг ривожланиш даражасини пасайтиради, операциядан кейинги давр давомийлиги ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларни камайтиради;

интраоперацион ва жарроҳлик амалиётидан кейинги қон кетишлар мавжуд беморларда клиник амалиётга коллаген гемогубкани татбиқ этилиши билан боғлиқ бўлиб, бу травматик қон кетишлари, операциядан кейинги асоратлар, қайта оператив амалиётлар сонининг сезиларли камайиши ва натижада стационар даволаниш муддатини қисқартириш имконини беради;

эндоскопик манзара ва клиник-функционал кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида бурун бўшлиғи деформацияларида амалга ошириладиган қўшма оператив амалиётларнинг оптимал варианты аниқланган ва амалга ошириш алгоритми ишлаб чиқилган;

клиник кузатувлар таҳлили нафақат бурун бўшлиғи қўшма жарроҳлик амалиётларда қон кетишини тўхтатиш, балки бурундан қон кетишини олдини олиш мақсадида “Гемогубка” гемостатик воситасини қўллашни тавсия этиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, эндоскопик, рентгенологик, инструментал, биокимёвий ҳамда статистик тадқиқот усулларида бурун бўшлиғида қўшма жарроҳлик амалиётларида гемостатик воситаларни қўллашни клиник-экспериментал асослаш натижасида халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асосланган хулосалар ва таклифлар бурун

бўшлиғи кўшма касалликлари билан касалланган беморларда касалликнинг клиник-функционал, эндоскопик, цитологик, қон биокимёвий текширув усуллари, ўзига хос хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшиши илмий исботланган, шунингдек, даволашнинг самарали алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган даволаш алгоритми даволаш тактикасини татбиқ қилиш сифатини оширади ҳамда тааллуқли равишда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** бурун бўшлиғи кўшма касалликларида кўшма жарроҳлик амалиётларида гемостатик воситаларни қўллашни асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бурун бўшлиғи жарроҳлик амалиётларида клиник самара берган ва илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Клиническая эффективность гемостатических средств при одномоментных оперативных вмешательствах в полости носа» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 03 июлдаги 8н-р/214-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бурун бўшлиғи кўшма касалликлари билан хасталанган беморларда кўшма жарроҳлик амалиётларида гемостатик воситаларни қўллаш орқали, беморларнинг хасталик туфайли асоратлари ва ногиронликнинг олдини олиш имконини берган;

бурун бўшлиғи кўшма касалликлари жарроҳлик амалиётларда илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган ва асоратларни олдини олиш мақсадида қолланилган «Особенности сочетанных вмешательств у больных с искривлением носовой перегородки и вазомоторным ринитом» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 03 июлдаги 8н-р/213-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бурун бўшлиғида кўшма жарроҳлик амалиётларида гемостатик воситаларни қўллаш орқали цитологик кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда юқори самарадорлигини ошириш имконини берган;

бурун бўшлиғи кўшма касалликларида кўшма жарроҳлик амалиётларида гемостатик воситаларни қўллашни асослаш бўйича олинган илмий натижалар такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, InViVo ва ProfMedService шифохонаси клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-д/218–сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши бурун бўшлиғи кўшма касалликларида кўшма жарроҳлик амалиётларида гемостатик воситаларни қўллашни самарадорлигини ошириш, беморларнинг бурун орқали эркин нафас олишини яхшилаш, беморларнинг умр кўриш даврийлигини узайтириш, даволаш профилактик ёрдам сифатини ошириш, беморларнинг ҳаёт сифатини 38%га яхшилаш, ижобий жарроҳлик самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бурун бўшлиғи қўшма патологияларида жарроҳлик амалиётларининг замонавий тенденциялари»** деб номланган биринчи бобида мавзуга тегишли хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг мушоҳадаси келтирилган. Бурун бўшлиғининг қўшма касалликларида муаммоларининг ҳозирги ҳолати тўғрисида маълумотлар, касалликнинг этиологияси, патогенези, дифференциал ташхисоти, клиник белгиларининг тавсифини оториноларингологик амалиётдаги аҳамияти, ташхислаш, қўшма жарроҳлик амалиётларида гемостатик воситаларни қўллаш, замонавий даволаш усуллари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилиниб, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида 2016 – 2019 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси оториноларингология бўлимида бурун бўшлиғининг қўшма касалликлари билан оғриган 120 нафар бемор комплекс текширувдан ўтказилган ва даволанган (жадвал 1). Беморларнинг касаллик тарихи ва текшириш натижалари ўрганилган. Барча беморлар даволаш турига мос равишда асосий ва назорат гуруҳларига бўлинди. Биринчи гуруҳ 60 нафар бемордан иборат бўлиб, уларда оператив амалиёт коллаген гемостатик губкадан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Иккинчи гуруҳ 60 нафар бемордан ташкил топган бўлиб, уларда оператив амалиётни амалга оширишда анъанавий дока тампонадасидан фойдаланилди.

Жадвал 1

## Текширилган беморларнинг ёши ва жинсий таркиби

Жинс	Ёш				
	18 гача	18-29	30-39	40-49	Всего
Эркак	8	26	17	15	66 (55%)
Аёл	6	21	15	12	54 (45%)
<b>Жами</b>	<b>14</b>	<b>47</b>	<b>32</b>	<b>27</b>	<b>120</b>

Объектив ҳолатни баҳолаш асосий аъзо ва тизимлар, ЛОР-аъзоларининг ҳолатини ўрганишни ўз ичига олди. ЛОР-аъзоларни ўрганиш барча зарур эндоскопик усуллар ёрдамида мамлакатимизда қабул қилинган стандартлар асосида амалга оширилди. Шикоятларни таҳлил қилишда бурун бўшлиғи кўшма касалликларида бурундан нафас олишнинг бузилишидаги ҳолати учун хос бўлган белгиларнинг мавжудлиги ва ривожланганлик даражасига эътибор қаратдик.

Кўпинча бурундан нафас олишнинг қийналиши, доимий ва вақти-вақти билан бурун оқиши, ҳид билишнинг бузилиши каби симптомлар учради. Мазкур симптомлар аксарият ҳолларда ҳид билиш функциясининг бузилиши билан боғлиқ бўлди. Кўпинча пешона соҳасида бош оғриғи синдроми қайд этилди (жадвал 2).

Жадвал 2

## Бурун тўсиғи қийшиқлиги ва гипертрофик ринитга чалинган беморларда асосий клиник симптомларнинг учраши тез-тезлиги

Шикоятлар	Беморлар сони (n=120), %	
	абс.	%
Бурундан нафас олишнинг қийинлашуви	120	100,0
Ҳид билишнинг бузилиши	84	70,0
Бурун бўшлиғидаги қичима	48	40,0
Аксириш	48	40,0
Бурун ажралмаларининг турли хил табиати (сувсимон дан шиллиқ-йиринглигача)	50	41,6
Доимий/вақти-вақти билан бурун оқиши	50	41,6
Вақти-вақти билан бош оғриши	120	100,0


Ҳар бир беморда клиник ва функционал текширувлар ўтказилди: шикоят ва анамнестик маълумотларни баҳолаш; ЛОР-аъзоларининг кўриги; бурун ва бурун-халқум бўшлиғининг эндоскопик текшируви; морфологик баҳо бериш билан патогистологик текширув ўтказиш; операциягача ва ундан кейин касалликнинг клиник белгилари динамикасини ўрганиш; лаборатор-инструментал текширувлар олиб борилган.

Олинган рақамли маълумотларнинг ўртача арифметик қиймати, унинг хатолиги ва ишончлилик даражаси 95% эҳтимолий даража бўйича аниқланди.

Диссертациянинг «**Шахсий кузатувлар натижалари**» деб номланган учинчи бобида бурун бўшлиғи қўшма патологияларида гемостатик воситаларни қўллаб ўтказилган қўшма эндоназал операцияларнинг типик вариантлари натижалари, ҳайвонларда гемостатик коллаген шимгични қўллашнинг тажрибавий ўрганиш натижалари ва маҳаллий гемостатик воситаларни қўллаб ўтказилган қўшма операцияларнинг қиёсий кўрсаткичлари текширув натижалари таҳлил қилинган.

Тўсиқ деформацияларида бурун бўшлиғида ривожланадиган ўзгаришлар туфайли, уни хирургик тўғирлашда бир вақтнинг ўзида бурун бўшлиғининг латерал девори тузилмалари соҳасида хирургик амалиётлар комплексини амалга ошириш зарурати туғилади.

Тўрт бурчакли тоғай каудал чеккасининг премаксилла суяк тарновчасидан чиқишида (15 бемор) 5 нафар беморда колумелла деформацияси ва 3 нафарида ташқи бурун тоғай бўлимининг марказий чизиқдан силжиши аниқланди (расм 1).




Расм 1. Тўрт бурчакли тоғайнинг премаксилла суяк тарновчасидан чиқишида колумелла деформацияси: а) буруннинг чап ярми, б) буруннинг ўнг ярми

Ушбу ҳолларда биз қийшиқ томонда тўртбурчакли тоғайнинг чекка қисми бўйлаб кесма ҳосил қилдик, ушбу томонда перихондр билан шиллик парда тоғай асосигача ажратиб олинди. Сўнгра, тўсиқ асосидан кенглиги тахминан 0,5-0,8 см бўлган тоғай тасмаси резекция қилинди ва натижада тоғайнинг пастки қисми ҳаракатчан бўлиб қолди. Сўнгра тўртбурчакли тоғай бўйлаб, юқоридан пастга томон бутун чуқурлиги бўйича 2-3 вертикал кесма амалга оширилди, қўшимча равишда бурун қурғони бўйлаб тоғай кесилди ва бунда бурун қурғони устидан 0,5 см дан кичик бўлмаган тоғай тасмаси қолдирилди. Шундан сўнг тоғай ҳаракатчан бўлиб қолди ва унинг кенг кенг ярмига осон силжиб, бурун клапанларини очилишини таъминлади. Бир вақтнинг ўзида колумелла шакли тўғирланди.

Деформация тўсиқнинг ушбу соҳасида жойлашган ҳолатларда биз чегараланган септопластикани амалга оширдик. Оператив амалиёт усули: тўсиқнинг қалинлашишидан олдин чап томонда 1,5-2 см узунликда қийшиқ кесма тортилади, одатда шу захотиёқ тўртбурчакли тоғай кесилади. Эндоскоп назорати остида Люк ёки Блексли қисқичлари ёрдамида ушбу соҳада сезиларли кенгайган деформацияланган тоғай ва суяк ажратиб олинади. Шундан сўнг, шиллиқ парда қаватлари яқинлаштирилади ва тўсиқнинг тўғри жойлашганлиги, асосий ҳаво оқими ҳаракатланиши лозим умумий бурун йўлининг юзаси кенглиги назорат қилинади.

Бурун бўшлиғи латерал девори тузилмаларининг ўзгариши даражаси беморнинг ёшига боғлиқ: беморнинг ёши қанча катта бўлса, бундай ўзгаришлар кучлироқ ривожланади ва уларда катта ҳажмда қўшма хирургик амалиётларни бажариш зарурати пайдо бўлади.

Қуйидаги кузатувни тақдим этамиз. Бемор М., 29 ёш, 2017 йил 3 декабрда деярли 2 йил давомида бурундан нафас олишнинг бузилиши шикоят билан ЛОР-бўлимига тушган, 1,5 йил атрофида томир торайтирувчи томчилардан фойдаланади. Кўриқда бурун тўсиғининг суяк ва тоғай қисмлари чегарасида деформация аниқланади, умумий бурун йўли икки томондан ёпилган, ўрта бурун чиғаноқларининг олдинги учлари бурун тўсиғига тегиб туради (расм 2). Ўнг томонда ўрта бурун чиғаноғи олдинги учининг юқори чеккаси полипоз ўзгарган.




Расм 2. Бемор М.нинг бурун бўшлиғини эндоскопик тасвири:  
а) буруннинг ўнг ярми, б) буруннинг чап ярми

2018 йил 4 декабрда бурун тўсиғининг деформацияланган соҳасида чегараланган септопластика амалга оширилган, тоғай суяк чегарасида кескин қалинлашган, букилган (расм 3).



Расм 3. Бурун тўсиғининг резекцияланган соҳасини эндоскопик тасвири. Тўсиқнинг кескин қалинлашган ва деформацияланган тоғайи

Оператив амалиётдан сўнг умумий бурун йўллари очилди, ўрта бурун чиғаноқларининг физиологик тўғри жойлашганлиги қайд этилди (расм 4). Бурундан нафас олиш тикланди.



Расм 4. Бемор М. бурун бўшлиғининг эндоскопик тасвири, оператив амалиётдан сўнг: а) ўнг, б) чап.

Ринопневмометрия кўрсаткичлари (оператив амалиётга қадар): ҳажмли оқим қиймати, ўнгда - 88см<sup>3</sup>/с, чапда - 272 см<sup>3</sup>/с, қаршилик, ўнгда - 1,72 ПА/см<sup>3</sup>/с, чапда - 0,56 ПА/ см<sup>3</sup>/с, Умумий ҳажмий оқим - 360 см<sup>3</sup>/с, УҚ - 0,42 ПА/ см<sup>3</sup>/с.

Ринопневмометрия кўрсаткичлари (оператив амалиётдан сўнг): ҳажмли оқим қиймати, ўнгда - 204 см<sup>3</sup>/с, чапда - 360 см<sup>3</sup>/с, қаршилик, ўнгда - 0,74 ПА/ см<sup>3</sup>/с, чапда - 0,42 ПА/ см<sup>3</sup>/с, УҲО - 564 см<sup>3</sup>/с, УҚ - 0,27 ПА/ см<sup>3</sup>/с. Олинган маълумотлар бурун бўшлиғининг вентилицион функциясини яхшиланганлигидан далолат беради.

Бурун тўсиғининг аэродинамикани бузилишига олиб келувчи перпендикуляр пластинканинг тўртбурчакли тоғай билан алоқада бўлган жойидаги деформацияси ўрта бурун чиғаноғининг бир ёки икки томонлама гипертрофиясини таъминлайди ва охир-оқибат бурун ёндош бўшлиқларининг жароҳатланишига олиб келади.


Қуйидаги кузатувни келтирамиз. Бемор Е., 23 ёш, 2018 йил 20 ноябрда буруннинг ўнг ярмидан йирингли ажралма, бош оғриқларига шикоят билан

ЛОР-бўлимига тушган. Деярли 2 йил бурундан нафас олишнинг бузилиши безовта қилади. Тўғри проекциядаги бурун ёндош бўшлиқларининг рентгенограммасида ўнг юқори жағ синусининг гомоген қоронғилашуви аниқланади. Шу куниёқ, беморда синус пункцияси амалга оширилган, йирингли ажралма олинган ва синус дренирланган (расм 5).



Расм 5. Бемор Е. Буруннинг ўнг ярмини эндоскопик тасвири: бурун клапани очик, ўнг юқори жағ бўшлиғида дренаж найи.

Эндоскопик текширувда бурун тўсиғининг суяк ва тоғай қисмлари чегарасида деформация аниқланади, умумий бурун йўли ҳар икки томондан тўсилган, ўнг томонда остиомеатал комплекс кўринмайди, чап ўрта бурун чиғаноғи катталашган, тўсиқ ва буруннинг латерал девори орасидаги бўшлиқни тўлиқ ёпади (расм 6).




Расм 6. Бемор Е. бурун бўшлиғининг эндоскопик тасвири: а) буруннинг ўнг ярми, тўсиқ кескин деформацияланган, умумий бурун йўлини тўсган, ўрта бурун чиғаноғини ёпади; б) бурун тўсиғи деформацияланган, умумий бурун йўли ёпилган, ўрта бурун чиғаноғининг одинги учи қалинлашган.

2019 йил 21 ноябрда тўсиқнинг суяк ва тоғай қисмлари чегарасида эндоскопик назорат остида чегараланган септопластика амалиёти бажарилган (расм 7).



Расм 7. Бемор Е. Бурун тўсиғининг эндоскопик тасвири: тоғай кескин калинлашган, деформацияланган

Деформация бартараф этилгандан сўнг умумий бурун йўллари очилди, ўрта бурун чиғаноғини кўрикдан ўтказиш имконияти пайдо бўлди, ўнг чиғаноқ - латерал деворга ёпишган, чап чиғаноқ – шарсимон шаклга эга, ўрта бурун йўлини ёпади (расм 8).



Расм 8. Бемор Е. Бурун бўшлиғининг септопластикадан кейинги эндоскопик тасвири: а) ўнг ўрта бурун чиғаноғи кенгайган, буруннинг латерал деворига ёпишган; б) чап ўрта бурун чиғаноғи шарсимон шаклга эга, ўрта бурун йўлини тўлдиради.




Расм 9. Чап ўрта бурун чиғаноғининг эндоскопик тасвири: очилган соҳада қуюқлашган йиринг мавжуд, шиллик парда шишган


Биринчи навбатда, чап томонда ўрта бурун йўлини очишга қарор қилинди. Ўроқсимон скальпел ёрдамида ўрта бурун чиғаноғининг олдинги қирраси бўйлаб вертикал кесма олинди. Чиғаноқнинг олд қисмида жойлашган катак юзасида қуюқ йиринг аниқланди, шиллик парда ушбу соҳада кескин кенгайган, полипоз ўзгарган (расм 9). Шишган катакнинг латерал қисми олиб ташланди, ўрта бурун йўли очилди. Ўнг томонда ўрта бурун чиғаноғининг медиализацияси бажарилган, юқори жағ синусининг табиий тешиги очилди. 3 кундан сўнг ўнг ўрта юқори жағ синусидан йирингли ажралмаларни оқиши тўхтади. 27.11.16 йилда бемор бурундан нафас олишнинг тикланиши билан уйига чиқарилди.

Тақдим этилган клиник кузатувда бурун тўсиғи деформациясининг иккинчи турида ўрта бурун чиғаноғининг сезиларли ўзгаришлари юзага келиб, бу ўнг томонда юқори жағ бўшлиғининг табиий тешигини ёпилишига олиб келди, чап томонида эса ўрта қиғаноқнинг олдинги қисмида жойлашган катакчаларни ёпилиши натижасида ўнг томонда - гайморит, чап томонда эса – конхобуллит ривожланди.


Жароҳатланган катакдан олинган шиллик парданинг патоморфологик текширувида кескин ривожланган шиш, томирларнинг кенгайганлиги, строманинг лейкоцитлар ва эозинофиллар билан диффуз инфильтрацияси аниқланди (расм 10, 11, 12).



Расм 10. Ўрта бурун чиғаноғининг шиллик пардаси соҳаси: 1-респиратор эпителий; 2- лейкоцитлар ва эозинофиллар билан диффуз инфильтрация; 3- шиллик парданинг кучли шишли зонаси; 4- компакт строма, шиш мавжуд эмас, лейкоцитар инфильтрация, юзасида лейкоцитлар билан кенгайган томирлар



Расм 11. Респиратор эпителий билан қопланган ўрта бурун чиғаноғи шиллик пардаси қисми -1, 2- стромада фиброз тўқиманинг ривожланиши; 3- кўп сонли безлар



Расм 12. Ўрта бурун чиғаноғи олдинги учининг ҳам респиратор эпителий - 1, ҳам кўп қаватли эсси эпителий - 2 билан қопланган полипоз ўзгарган шиллик пардаси қисми; стромада аниқ ривожланган шиш-3; кўп сонли томирлар-4 ва қон қуйиоиши - 5; лейкоцитлар ва эозинофиллар билан диффуз инфильтрация-6.

Кузатилган ҳолатда бурун бўшлиғида ривожланган ўзгаришларни таҳлил қилиш асосида йирингли жараён билан жароҳатланган юқори жағ синуси ва *concha bullosae* ни санациялашга эришиш, ўрта бурун чиғанокларини тўғирлаш мақсадида чегараланган септопластикани хирургик амалиёт билан биргаликда қўшиб амалга ошириш зарурати туғилди.


Тўсиқ деформациясининг остиомеатал комплекс олдида жойлашган иккинчи тури умумий бурун йўлини ёпиб, нафақат аэродинамиканинг бузилишини чақиради, балки бурун ёндош бўшлиқларининг олдинги гуруҳ табиий тешиқлар очиладиган остеомеатал комплекснинг анатомик тузилмаларидан қайтади. Шунингдек, у «тор жой»ларнинг шаклланишида иштирок этиб, секретни ушланиб қолиши, вирусли ёки бактериал инфекциянинг фаоллашиши, клиник амалиётда энг кўп учрайдиган бурун

ёндош бўшлиқлари шиллиқ пардаси яллиғланишининг экссудатив шаклини ривожланишини таъминлайди.

Коллаген шимгичнинг тўқима билан ўзаро таъсирлашиш хусусияти каламушларнинг энса соҳасида тери остида янги ҳосил қилинган яра ушбу шимгич билан бир марта қоплангандан сўнг аниқланди.


Тажриба динамикасида каламушларнинг вазни ўзгармади. Чеккада шимгич ва терининг ўзаро таъсир соҳасида тирнаш, йиринглаш ёки бошқа шикастланишлар мавжуд эмас. Худди бошқа ҳолатлардаги каби, нуқсон юзаси коллаген шимгич билан ёпилмаган назорат гуруҳи ҳайвонларида биринчи кундан бошлаб грануляцион тўқиманинг ҳосил бўлиши қайд этилди, у дастлаб фақатгина нейтрофиллардан (1 сутка), кейин эса нейтрофил ва моноцитлардан (3 сутка) иборат бўлди. Яра юзасини яллиғланиш хужайра-элементлари, гемолизга учраган эритроцитлар ва хужайралараро суюқликдан иборат юпка шимгич қоплайди. Кейинчалик (5 сутка), яра юзасида грануляцион тўқимани инфилтративчи ўлган хужайралар ва фибриндан иборат қасмоқ шаклланади.

Яра юзаси коллаген шимгич билан ёпилганда грануляцион тўқима фақатгина чеккада тери ва шимгичнинг ўзаро таъсирлашиш чегарасида қайд этилди (расм 13). Тажрибанинг 3 суткасига келиб, шимгич атрофида кейинчалик инфилтратив гардишнинг ҳосил бўлиши билан яллиғланиш инфилтративнинг сақланиши кузатилди (расм 14). Кейинчалик, шимгичнинг нозик коллаген фибриллари ва хусусий дермадан иборат чандиқнинг шаклланиши билан тери коллаген шимгичга бирикиб кетади (3-5 сутка), шимгич остида ривожланган яллиғланиш реакцияси мавжуд эмас (расм 15, 16).




**Расм 13.** Операциядан кейинги 1-кун. Яллиғланиш инфилтративнинг ҳосил бўлиши. 1 – коллаген шимгич; 2 – нейтрофиллар.


5 суткага келиб, яра периферияда дермага чалкашиб кетган коллаген фибриллардан иборат юпка шимгич билан қопланган, жароҳат туби соҳасида жойлашган тузилмалар қатламларига бирикади (расм 4). Яранинг лейкоцитар инфилтратив кузатилмайди.



**Расм 14.** Операциядан кейинги 1-кун. 1 – коллаген шимгич; 2 – лейкоцитар гардиш; 3 – периферик қондан тромбоцитлар миграцияси



**Расм 15.** Операциядан кейинги 3-кун. 1 – янги шаклланган чандиқ. Шимгич остида кучли яллиғланиш реакцияси мавжуд эмас



**Расм 16.** Операциядан кейинги 5-кун. 1– коллаген шимгич; 2 – чалкашган коллаген фибриллалар

Олинган маълумотлар бурун тўсиғи қийшиқлиги ва гипертрофик ринитларни хирургик даволашни мақбуллаштириш ва операциядан кейинги жароҳатнинг регенерация жараёнларини тезлаштириш мақсадида клиникада коллаген шимгичдан фойдаланиш имкониятларидан далолат беради.

Бириктирувчи тўқима, жигар, қон тизими касалликлари, гемостазнинг турли тизимли бузилишлари мавжуд, шунингдек хамрохлик қилувчи касалликлар туфайли узоқ муддат давомида антиагрегантлар ёки антикоагулянтлар қабул қилган беморлар тадқиқотдан чиқарилди. Барча беморларда бурун ва бурун ёндош бўшлиқларининг касалликлари туфайли режа асосида оператив амалиётлар ўтказилган. Ушбу касалликлар билан оғриган барча беморларда операциядан олдинги даврда коагулограмма, қоннинг ивиш вақти, қон кетиш вақти кўрсаткичлари баҳоланди. Ўрганилган гуруҳларда беморларнинг лаборатория таҳлиллари кўрсаткичлари референс кўрсаткичлардан фарқ қилмади.

Барча беморларда маҳаллий ва умумий анестезия остида қўшма оператив амалиётлар амалга оширилди.

Амалиётдан кейинги асоратлардан бурундан қон кетишини тўхтатиш мақсадида 120 нафар бемордан 60 нафариди бурун бўшлиғининг олдинги тампонадаси, 60 нафариди маҳаллий гемостатик воситалар аппликацияси бажарилди.

Ўрганилган беморлар гуруҳидаги даволаш самарадорлиги қон кетишини давом этиши, қўшимча даволаш ва ташхисот чораларининг заруратини кўрсатувчи қон кетишини тўхтатиш вақти, қон кетиши рецидивлари сонини таҳлил қилиш, клиник-лаборатория маълумотлари асосида баҳоланди. Шунингдек, текширилаётган дори воситаларининг қон ивиш тизимини асосий кўрсаткичларига таъсир этиши мумкинлиги ўрганилди.

Барча беморлар қўлланилган гемостаз турларига мос равишда 2 та гуруҳчага бўлинди. 60 нафар беморда дока турундаси ёрдамида бурун бўшлиғининг олдинги тампонадаси амалга оширилди – ушбу беморлар назорат гуруҳини ташкил этди. 60 нафар беморда бурун бўшлиғининг тампонадаси шимгич шаклига келтирилган гемостатик шимгич ёрдамида бажарилди. Бунда, гемостатик препарат муолажадан кейинги 3-суткада бурун бўшлиғидан олиб ташланди. Бурундан қон кетиши билан жабрланган барча беморлар гуруҳларида, шунингдек, 12,5% - 4,0 дозада кунига 2 маҳал этамзилат препарати мушак ичига юборилиб, гемостатик терапия ҳам ўтказилди. Қон кетиш ҳажми циркуляцияланувчи қон ҳажмининг 10%дан юқори бўлган беморлар инфузион ўрин эгалловчи терапия олди.

Беморлар ва қўлланиладиган гемостатик дори воситалари ҳақидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

Жадвал 3

## Бурундан қон кетиши билан беморларни жинси ва ёшига кўра тақсимоти

Қўлланиладиган гемостатик воситалар	Эркаклар			Аёллар			Жами
	18-29	30-39	40-49	18-29	30-39	40-49	
Докали тампон	7	17	9	5	16	6	60
Гемогубка	10	22	6	7	10	5	60
жами	17	39	15	12	26	11	120

Ўрганилган беморлар гуруҳларида фарингоскопияда халқумнинг орқа девори бўйлаб қон оқшининг мавжуд эмаслиги билан тавсифланувчи қон кетишининг тўхташ вақти аниқланди. Шунингдек, тампон ёки гемостатикни олиб ташлангандан сўнг қон кетиши рецидивлари сонининг таҳлили ўтказилди. Маҳаллий гемостатик воситаларнинг умумий қон оқимида гемостаз кўрсаткичларига таъсири ўрганилди. Манипуляциялардан сўнг бурун бўшлиғининг шиллиқ пардасидаги ўзгаришлар тавсифи, шунингдек ушбу муолажалар билан боғлиқ бўлган асоратлар аниқланди, визуал-аналог шкала баллари бўйича оғриқ хисслари даражаси баҳоланди.

